

Занжирбанд холда Жориберд калъасида сакланаётган Шарафулмулк хузурига беш нафар жаллод келдию, унга шохнинг фармони кўрсатди. Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди ўз фармонида вазири Шарафулмулкни катл этишга ҳукм килганди.

— Бўғиб ўлдирайликми ёки бошингни узиб ташлайликми, ўзинг танла,—деди бош жаллод вазирга.

— Сизлар учун бўғиб ўлдириш осон бўлса керак, — жавоб берди Шарафулмулк.

— Биз учун иккаласиям осон, асосийси, сени ўлдириб, шох фармони бажармок лозим, — сўйлади жаллодлардан бири.

Ўзи рози бўлгани учун бешта жаллод вазирни бўғиб ташлашди. Шарафулмулкни тинчитдик, деб жаллодлар бироз калъани айланиб, мархумни кафанлаб кўмайлик, деб келишса вазир ўлмаган экан. Шундан кейин улар вазирни ўлдириш учун бошини танасидан жудо қилиб, шох олдига олиб кетдилар. 1230 йилда Аррон вилоятининг Жориберд калъасида ўлдирилган вазир хақидаги хабар бутун салтанатга тарқалди. Халк вазирни жиноятига яраша жазолашибди, дея эркин нафас олди.

Зеро, Шарафулмулк халк назарида энг қари тулки, зулму ситамни авжига чиқарган, порахўрлик ботқоғига ботган вазир эди. У Хоразмшоҳ Аловуддин Мухаммад (1200-1220) даврида Жанд вилоятининг ҳокими бўлиб, халққа кўп зулм ўтказгани, устидан кўплаб шикоятлар келгани учун султон уни ишдан бўшатиб, ўтда қуйдиришга буйруқ берганди. Ўлимга ҳукм қилинган ҳоким иложини топиб қочишга эришади.

Гоят хийлакор, кўринишию, гап-сўзидан жуда мўминқобил Шарафулмулк Жалолиддин Мангубердининг шохлик давидан олдин хожиблик, сўнг вазирлик лавозимига эришади. Мўғулларга қарши тинимсиз жанглар билан машғул Мангуберди кекса вазирнинг гап сўзларига ишониб, уни махсус текшириб ўтирмаганди. Аммо вақт ўтиб, Хоразмшоҳ Жалолиддин уни вазирликка тайинлаб, хато қилганини тушуниб етади.

Тарихчи Насавийнинг ёзишига кўра, «Шарафулмулк учун пул ҳеч бир қийматга эга эмасди. Усулсиз бир шаклда пора олар ва лаёқатсиз қимсаларга тарқатиб, исроф қиларди. Унинг ёзув-қизувга ҳуши йўқ. Маълумоти етарли бўлмаган ва давлат арбоби билиши лозим бўлган илмлардан тамоман беҳабар эди. Форсчани бир сатр ҳам тўғри ёзаолмас, кўп хато қиларди».

Бирок гоятда айёр вазир олиму сайидларни ҳурмат қилган бўлиб, беҳисоб молу-мулкидан тиллалар бериб, улар ишончини қозонишга интиларди. Баъзида уламою, сайидлар олдида ваъз эшитган, Куръон ўқилган кезлари кўзларидан ёш тўкиб, ўтирар, Жалолиддин туркий ҳукмдор бўлгани сабаб, олдига келган ҳар бир туркийга яхши муомила қиларди. Булар айёр вазирнинг юзаки иши бўлиб, асл башарасини никоблаб кўрсатиш учун эди. Уни яқиндан биладиганлар Шарафулмулкни саботу диёнатсиз киши деб билар, айтилган гап-сўзларига ишонмасдилар.

1221 -1231 йилларда Жалолиддин мўғуллар билан урушда гох енгиб, гох мағлубиятга учраб, ўзга элларда юрганида, Шарафулмулк «Мангуберди энди тамом бўлди, шу боис бирор жойга ҳукмдор бўлиб, унинг салтанатидан узоклашмок лозим» деган мақсадни олдига қўйди.

Айникса, Яссичамавдаги айюбийларга карши ва Мукондаги мўгулларга карши жангда Жалолиддин енгилганидан сўнг вазир Хоразмшоҳдан бутунлай узоклашишга қарор қилди. У Онадўлидаги салжукийлар султони Аловуддин Кайкубодга ва Шомнинг айюбий хукмдори Малик Ашрафга мактуб йўллаб, агар Озарбайжонни беришса, уларга вассал бўлиб, Жалолиддиннинг муҳим давлат сирларини айтишини маълум қилади. Айни пайтда туркман бекларидан Хусомиддин Килич Арслонга ҳам 1229 йили мактуб йўллаб, «Жалолиддиннинг қуни битгани, ўзининг яқин қуларда Озарбайжонга хукмдор бўлишини, шу боис, Хоразмшоҳнинг хазинасию харамини ўзи учун саклаб туриши»ни маслаҳат берганди.

Бу вақтга келиб Шарафулмулкнинг золимлигию, порахўрлиги тўғрисидаги халқнинг шикоятларию, жосуслар ахборотлари Жалолиддинга тинимсиз кела бошлаганди. Хатто, Хуй вилоятида салжукий беклардан Тўғрул ибн Арслоннинг кизи ва саройдаги қанзакларнинг номуши Шарафулмулк томонидан топталгани ҳақидаги хабар текширилганида, рост бўлиб чиққани Жалолиддиннинг газабини келтирди. Айни пайтда Хоразмшоҳнинг жосуслари Шарафулмулкнинг хиёнатқорона тарзда Кайкубод, Ашраф, Хусомиддинга йўллаган мактубларини қўлга киритадилар.

Буларнинг барчаси Жалолиддиннинг жаҳлини чиқариб, халқ олдида салтанат обрўсини тўқаётган вазирини жазолашни маъқул топди. Бу орада Табриз вилоятида очлик таҳликаси пайдо бўлиб, жосуслар айни маҳалда Шарафулмулк омборида моллар тикилиб ётганини етказадилар. Хоразмшоҳ Жалолиддин фармонига қўра, вазирнинг омборлари очтирилиб, бор маҳсулотлари халққа тарқатилади. Очлик таҳликасидаги табризликларга вазирнинг омборларидаги маҳсулотларни тарқатишга бир ҳафта вақт кетди. Бу ҳол беҳисоб молу-дунё тўплаган хиёнатқор вазирни қатл этмок керак, деган Жалолиддин фикрини қатъийлаштирди. Натижада вазир Арон вилоятидаги Жориберд қалъаси қўмондони Самлон Силк томонидан 1230 йилнинг охирида хибсга олинди. Халққа беҳисоб зулм ўтказган, мансабидан фойдаланиб, сон-саноксиз молу-мулк тўплаб, яқинлари орасида Хўжатош (қимматбаҳо тош) лақабига эга бўлган вазир Шарафулмулкнинг қуни шу ерда тугади.

Ўтда қуйдирилишдан, бўғиб ўлдирилишдан омон қолган вазир учинчи марта қалласи танасидан жудо қилиниб ўлдирилди.

Умид Бекмуҳаммад